
Данғара туманида 15 нафар ёшларга субсидия асосида асбоб ускуналар топширилди.

Данғара туманида 15 нафар ёшларга субсидия асосида асбоб ускуналар топширилди. Махаллалардаги ёшлар етакчилари тавсиясига асосан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ҳамда ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашиш мақсадида уларнинг касбий кўникма ва малакасига қараб, тикув машинаси, темир пайвандлаш ускунаси, моторли култиватор, пишириқ печлари, ноутбуклар ва бошқа асбоб-ускуналар туман ҳокимининг 1-ўринбосари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи томонидан топширилди. Келгусида ҳам ёшларни доимий қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу амалий ишлар давом эттирилиши билдириб ўтилди.

2024-05-22 18:28:09